

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 71-ҳадис

71 – السَّابِعُ: عَنْ أَبِي يَعْلَى شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْكَيْسُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ وَعَمِلَ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ، وَالْعَاجِزُ: مَنْ أَتْبَعَ نَفْسَهُ هَوَاهَا، وَتَمَتَّى عَلَى اللَّهِ» رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [2459].

قَالَ التِّرْمِذِيُّ وَغَيْرُهُ مِنَ الْعُلَمَاءِ: مَعْنَى «دَانَ نَفْسَهُ»: حَاسَبَهَا.

71. Абу Яъло Шаддод ибн Авс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Чаққон-ақлли киши нафсини ҳисоб-китоб қилиб, ўлганидан кейин фойда берадиган нарсага амал қилган кишидир. Ожиз киши ҳавою-нафсига эргашиб, Аллоҳдан (мағфиратни) орзу қилган кишидир»,** дедилар.

*Имом Термизий ривояти. Буни ҳасан ҳадис, дедилар.*

**Шарҳ:** Қуръон хом хаёлларга таяниб қолишни инкор қилади, аммо умидни инкор қилмайди. Бу икки ишнинг ўртасидаги фарқ: амалга яқин бўлгани умид, амали бўлмаса, хаёлдир. Шунинг учун Пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам ҳадислари ожизликдан, аҳмоқликдан киши ҳавою нафсига эргашиб, шахвоний истакларининг орқасидан кетишини Аллоҳнинг афвига, мағфиратига ва раҳматининг кенглигига таяниш деб эътибор қаратди. Аллоҳнинг каломига кўра: **«Зеро, Аллоҳнинг раҳмати чиройли амал қилувчиларга яқиндир»** (Аъроф сураси, 56-оят); **«Ва раҳматим — меҳрибонлигим эса ҳамма нарсдан кенгдир. Мен уни (раҳматимни) тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ва Бизнинг оятларимизга иймон келтиргувчи бўлган**

**кишиларга ёзурман»** (Аъроф сураси, 156-оят), дейилган.

Аллоҳ таоло Қуръонда умидни ҳурматлаб, умидли кишини мақтайди. Буни биз Аллоҳнинг сўзи мисолида кўраемиз: **«Албатта, иймон келтирган, (ватанларидан) ҳижрат қилган, Аллоҳ йўлида курашган зотлар - ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ мағфиратли, Раҳмлидир»** (Бақара сураси, 218-оят).

Бу мавзуда баъзи солиҳ кишилар айтадилар: **“Амалсиз жаннатни талаб қилиш гуноҳлардан бир гуноҳ, суннатга эргашмай туриб шафоатдан умидвор бўлиш ғурурнинг бир кўриниши ва қилинган гуноҳлар билан Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиш жаҳолат ва аҳмоқликдир”**.

Ҳасан ал-Басрий айтадилар: “Бир қавмни Аллоҳнинг мағфиратидаги орзу-хаёллари алдаб қўйиб, ҳатто бирор яхшилик қилмай дунёдан ўтиб кетдилар. Улардан бири: “Мен Роббимга чиройли гумонда бўламан!» дейди ва бу гапи билан ёлғон гапиради. Агар гумонини чиройли қилганида эди, амалини ҳам Аллоҳга чиройли қилур эди”. Шунини айтиб охирида Аллоҳнинг каломини ўқидилар: **«... мана шу гумонларингиз сизларни ҳалок қилди. Бас, сизлар зиёнкор кимсаларга айланиб қолдинглар»** (Фуссилат сураси, 23-оят).

У киши яна: «Эй инсонлар, хом хаёллардан сақланинг, чунки у аҳмоқлик водийи бўлиб, сизлар унга тушиб кетасиз. Аллоҳнинг номига қасамки, Аллоҳ кимсага ҳаёл туфайли на бу дунёда ва на у дунёда бирор яхшилик бермаган”, дер эдилар. Ҳозирни севувчилар Яна бир тоифа одамлар борки, улар на ўтмишга, на келажакка қарадилар. Улар яшаётган кунлари ичида ва шу кунлари учун яшайдилар. Ўтмиш йўқ бўлиб кетди, нима йўқ бўлган бўлса, у ўлган, ва нима ўлган бўлса, у билан машғул бўлиш ёки у ҳақида фикр юритишни кераги йўқ. Келажак, уларга кўра ғайбдир, ғайб эса номаълум нарса. Мавжуд инсон ҳали мавжуд бўлмаган нарса билан алоқадар бўлиши керак эмас. Акс ҳолда қум устига бино қуриш ва ё ҳавога ёзишдек бемаъни ишдир. Уларнинг бугунги кунлари билан ўралашиб қолишлари кечаларидан фойдаланишдан алдаб қўйганидек эрталарига назар солишдан ҳам алдаб қўйди. Улар фақат ҳозирларининг ва бугунги кунларининггина фарзандларидирлар. Улар охират билан қизиқмайдилар, чунки охират келажакдир, ваҳоланки, улар нақдни насияга, тез келувчини сўнг келувчига сотмайдилар ва ўзларини маданий мерос ва тарих билан ҳам машғул этмайдилар, чунки тарих тугаб кетган ўтмишдир. “Бугунги кунларининг фарзандлари” деган сўзни маъноси — улар фақатгина ҳозирги келувчи лаҳзаларигагина қизиқиб, у ҳақда ўйлайдилар, уни сиқиб - симириб сўрадилар ва у билан роҳатланадилар. Эрта ҳақида ўйлаб ёки кечаларини эслаб ўзларининг кайфиятларини бузмайдилар. Бундай йўлда боровчиларини араб шоирининг сўзи билан мисол қилинади: “Нимаики кечмишса, у йўқ бўлди ва орзу қилинган нарса номаълумдир. Ва сен унинг ичида яшаб турган вақтгина сеникидир”. Бу сўзни тўғри йўлдаги мўминлар

ҳам, анализчи моддапарастлар ҳам айтиши мумкин. Модомики инсон учун фақат ўзи булиб турган вақт бор экан, унда нима учун уни зое кетказди? Нима учун Аллоҳ тоатида, ҳақ ишига ёрдам бериб, эзгу ишларни қилиб ва яхшиликларни ёйиш билан вақтини жиловлаб олмаяпти?

Маълумки, инсон табиатида нафс ҳаво аталмиш бир ҳис бўлиб, ўша туйғу инсоннинг тўғри йўлдан оғишига ва Аллоҳ таоло ёмон кўрган, норози бўлган, ҳатто қаҳру ғазабига дучор бўлишигача олиб борадиган гуноҳларни қилишга ундайди. Шунинг учун ҳам машойхларимиз мўмин учун Аллоҳ таолонинг ҳузурига ёруғ юз билан боришда энг катта душман кишининг ҳавойи нафси деганлар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI